



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 16 январь, № 10 (7240)

Чоршанба



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингизга сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси
Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан
«Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция
саммитида иштирок этиш учун 2019 йил
17-18 январь кунлари ушбу мамлакатда
амалий ташриф билан бўлади.

Давлатимиз раҳбари сам-
мит ялпи сессиясида нутқ
сўзлайди, шунингдек, Ўзе-
бекистон – Ҳиндистон ҳамкор-
лиги, халқаро ва минтақавий
сиёсат масалаларини муҳо-
кама қилиш учун Бош вазир
Нарендра Моди билан
музокаралар ўтказиши.

Бош вазир Нарендра
Моди ташаббуси билан
2003 йилдан бундан Гандинагар
шаҳрида ўтказиб келинаёт-
ган «Жўшқин Гужарат» сам-
мити минтақадаги энг йирик
халқаро форум ҳисобланади.

Унда давлат ва ҳукумат
раҳбарлари, вазирлар, халқаро
ташқилот ва трансмиллий
корпорациялар раҳбарлари,
етакчи таҳлилчилар, эксперт-
лар иштирок этади.

Анъанага кўра, глобал
иктисодий ривожланти-
риш, савдо соҳасидаги ше-
рикликни кенгайтириш, ин-
вестициялар жалб қилиш,
илгор технологиялар ва би-
лимлар алмашишга доир
долзарб масалалар форум
иштирокчилари диққат мар-
казида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20-22 январь
кунлари расмий ташриф билан
Германия Федератив Республикасида бўлади.

Германия пойтахти
Берлин шаҳрида Федерал
Президент Франк-Вальтер
Штайнмайер, Федерал канц-
лер Ангела Меркель ва
Бундестаг Раиси Вольфганг
Шойбле билан музокаралар
бўлиб ўтади.

Кун тартибидан сиёсий
мулоқотни янада мустаҳкам-
лаш, савдо-иқтисодий, сар-
моявий ва молиявий ҳамкор-
ликни кенгайтириш, қўшма
дастур ва лойиҳаларни
амалга ошириш, маданий-
гуманитар, фан-таълим ва
саноат соҳаларидаги ал-
мушуварларни фаоллаштириш
каби масалалар ўрин олган.
Шунингдек, халқаро ва

минтақавий сиёсатнинг дол-
зарб масалалари бўйича
фикр алмашилади.

Мюнхен шаҳрида Ўзе-
бекистон Президентининг Бава-
рия Бош вазири Маркус
Зёдер, шунингдек, ушбу мам-
лакатнинг етакчи ишбилар-
мон ва молиявий доиралари
вакиллари билан ўрашувлари
режалаштирилган.

Ташриф доирасида иқти-
содий, молия, инновациялар,
илм-фан, техника, таълим ва ма-
даният соҳаларида ҳамкор-
ликка оид икки томонлама
қатор ҳужжатлар имзолани-
ши кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Иқтисодий жиноятларга
ва оммавий қирғин қуролини
тарқатишни молиялаштиришга
қарши курашиш механизмлари
такомиллаштирилиши
муносабати билан Ўзбекистон
Республикасининг айрим қонун
ҳужжатларига ўзгартиш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 ноябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил
2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти
тўғрисида»ги 625-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон
Республикасининг 2014 йил 12 сентябрда қабул қилинган
ЎРК-375-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг
Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 246-модда; 2018 йил,
№ 7, 431-модда) **16-моддасининг бешинчи қисмидаги**
«ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар
«терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин
қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар
билан алмаштирилиши.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил
9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти
тўғрисида»ги 734-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон
Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган
78-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда;
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4,
154-модда; № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9,
417-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2013 йил, № 4,
98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8,
312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) **7-моддасининг**
биринчи қисмига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш
киритилсин:


қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан
тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун
ҳужжатлари талабларига риоя этиши»;

олтинчи – ўн биринчи хатбошлар тегишинча
еттинчи – ўн иккинчи хатбошлар деб ҳисоблансин.

(Давоми 2, 3-бетларда).

ДУНЁ ХАРИТАСИДА ПАЙДО БЎЛГАН ЯНА БИР НУФУЗЛИ ИЛМИЙ МАРКАЗ



Дунё харитасида яна бир илмий
марказ пайдо бўлди. Бу марказ
мамлакатимизга илм, барака олиб
келади. Ёшларимизга билим,
куч беради. Бу ерда ўқиганлар,
зиёратга келганлар катта
маънавият, маърифат олади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Президент ташрифидан сўнг

Эзгу ниятларнинг ҳаётий рўёби

“Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқдир”.
Муслмон оламида “муҳаддислар султони”
дея шухрат қозongan Имом Бухорий
бобомизнинг ушбу ҳадиси бугунги кунда
Президентимиз томонидан олиб борилаёт-
ган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳия-
тини яққол ifodalayди.

Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан му-
қаддас динимизнинг асл инсонпарварлик мо-
ҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, мил-
лий қадриятларимизни, буюк азиз-авлиёла-
римизнинг хотирасини тиклаш, бебаҳо ме-
росини ўрганиш, қадамжоларини обод қилиш
борасида амалга оширилаётган кенг қўла-

ли тадбирлар Ўзбекистонни илм-фан, мада-
ният, маърифат марказига айлантиришдек
эзгу ниятларга, юксак мақсадларга пойде-
вор бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бун-
дай хайрли ишлар ҳаётимизни миллий қад-
риятлар асосига қуриш, юксак маънавият-
ли авлодни камолга етказиш, энг олий
неъмат — тинчлик-тотувликни мустаҳкам-
лаш, дунёда тобора долзарб масалага ай-
ланиб бораётган терроризм, диний экстре-
мизм, ақидапарастлик каби иллатларга
қарши маърифат билан курашишга хизмат
қилаётганини бугун барчамиз кўриб, гувоҳи
бўлиб турибмиз.

➡ 6



ИЖТИМОЙ СИНЕРГИЯ:

ЭНДИ ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Хуррият — инсон учун энг олий қадрият. Мустақилликка
эришган, аммо раият қулликда яшашда давом этган бутун бошли
давлатлар узоққа бормай яна ўз эркини бой берганига тарих бир
неча бор гувоҳ бўлган. Давлат озод бўлгани билан ҳокимият
тепасиданги давлатнинг асл эгаси бўлиши раиятга нисбатан
қулларга қилинадиган муносабатни ўзгартирмаган. Буюк ишлар
халқ номи билан қилинган, аммо буюк жиноятларга ҳам айнан
халқ номидан “фатво берилган”. Бу ҳақда биз мақоланинг
якунида тўхталамиз.

Инсоният тараққиётининг бугунги нуқтаси

Бугун инсоният тараққиётининг мут-
лақо янги даврида яшаймиз. Йил-
лар давомида шаклланган қадриятлар,
доғмага айланган тушунчалар ўзгариб
бормоқда. Бугун ривожланиш чўққиси-
да бўлган давлатлар анъанавий шаб-
лонларга бўйсунмайдиган, ностандарт
фикрловчиларга кенг йўл бериш орқа-
ли мана шундай тараққиётда эришга-
нини кўриш мумкин. Айни пайтда дунё
миллиардлари рўйхатида Стив Жобс,
Марк Цукерберг, Билл Гейтс, Майкл
Делл, Аманошо Ортега, Франсуа Пино,
Ральф Лорен каби шахслар тургани ҳам
фикримизни тасдиқлайди. Чунки улар
тенгдошлари сингари диплом орқаси-
дан қувишмади, “Гарвард ёки Оксфорд
битирувчиси” деган ном учунгина ўқиш-
мади. Ҳамма юрган йўлдан юргилари
келмай ўз йўллари яратди. Турри,
бунга минг бир машаққат билан

эришишди. Ана шу машаққатлар улар-
ни шахс сифатида шакллантирди.

Ер юзиде кечаётган жараёнлар таҳ-
лил қилинса, дунёда қонуниятлар ўзга-
раётганини, тараққиётда эришсининг
янги қадриятлари, янги шартлари
шаклланаётганини кўриш мумкин.
Бу эса инсоният тараққиётининг кела-
жига тейанроқ назар солиш, ўрганиш
ва ҳулоса чиқаришни тақозо этади.

Давлат ва раиятнинг эртаси ҳақида
қайғураётган эканмиз, қандайдир бир-икки
йиллигига эмас, балки давлатчилик нуқ-
таи назаридан қамиди эллик — юз йил-
лик истиқболни белгилаб олиш мақсадга
мувофиқ. Бугун дунёда ниятда жадал
сурьатлар билан ривожланаётган Хитой
Халқ Республикасининг ўз тараққиёт
йўлига беш юз йиллик режа асосида
чиққани ҳам кўп нарсани аңглатади.

Мавжуд нуқтамиз

Шавкат Мирзиёев Президент этиб
сайланиши билан мамлакатни тарақ-
қиётнинг янги босқичига олиб чиқиш

➡ 3

ГЕРМАНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИДАН БАҲРАМАНД БЎЛМОҚДА

Берлин шаҳрида 15 январь куни «Буюк Ипак йўли мероси —
Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк» мавзусида халқаро
илмий-маданий форум бошланди.

Тадбир Ўзбекистон
Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг
Германия Федератив Рес-
публикасида расмий ташри-
фи олдидан ташкил этилди.
Форум доирасида Ўзе-
бекистоннинг Берлиндаги
элчихонасида «Ўзбекистон
маданий мероси жаҳон
тўпламларида» лойиҳасининг
китоб-альбомлари кўргазма-
си очилди.
Президентимиз сўзбоши-

си билан бошланган «Ўзе-
бекистон маданий мероси Гер-
мания тўпламларида» китоб-
альбому тақдими барча-
нинг эътиборини тортиди.
Ушбу нашр замонавий мультимедиа технологияларидан
фойдаланган ҳолда тайёр-
ланган, нафақат ўқиш, бал-
ки смартфон орқали махсус
тайёрланган видеолавларни
3 тилда томоша қилиш
ҳамда осориатикаларни
3D қурилишида ўрганиш им-

конини берадиган илк ил-
мий-оммабоп китоб сифати-
да Ўзбекистон ноширлиги
тарихидан жой олади.
Тадбир доирасида Гер-
маниянинг етакчи олим,
эксперт, санъатшунослари
Берлин, Дрезден, Лейпциг
ва Штутгарт шаҳарлари му-
зейларида сақланаётган буй
Ўзбек санъатига оид тўплам-
лар тўғрисида сўзлаб бер-
ди. Улар орасида Берлин эт-
нология музейида сақла-

наётган Бухоро амирлиги
тўплами, Гамбургдаги Ман-
зарали-амалий санъат
музейидаги Байқулихон
мақбараси ашёлари, Берлин
давлат кутубхонасида сақла-
наётган Алишер Навоий
асарлари қўлёзмалари, Бу-
миллер тўпламига кирувчи
Ўзбекистон маданий-тари-
хий мероси намуналари,
шунингдек, Штутгартдаги
Линден музейининг Шарқий
бўлимида сақланаётган ноёб
тўплам ҳам бор.

— Ўзбекистон маданий
меросининг катта қисми
айрим тарихий сабаблар-
га кўра хорижга чиқиб кет-
ган. Ўзбек санъатининг
ажойиб тўпламлари Бер-
лин, Дрезден ва Лейпциг
музейларида сақланмоқда.

➡ 5

2019 йилги Давлат дастури: ОДАМЛАР ҲАЁТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?

2019 “ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ
РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ”
3-15 ЯНВАРЬ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИНГ
ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

2019.strategy.uz

regulation.gov.uz

Кеча 2017 — 2021
йилларда Ўзбекистон
Республикасини
ривожлантиришнинг бешта
устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегиясини
“ФАОЛ инвестициялар ва
ижтимоий ривожланиш
йили”да амалга оширишга
оид Давлат дастури
лоийҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамаси
ниҳоясига етди.

Муҳокамада доирасида фуқаролар, халқаро
экспертлар, тегишли вазирлик ва идора
мутахассислари, бизнес доира ҳамда фуқаролик
жамиятининг бошқа институтлари вакиллари
иштирокида мунозаралар, очик мулоқотлар
ўтказилди. Тадбирлар давомида келиб тушган
барча фикр ҳамда таклифлар Давлат дастури
лоийҳасини янада такомиллаштиришга
хизмат қилади.

4- саҳифага қаранг.

Эътибор

СОВРИНДОРЛАР ПУЛ МУКОФОТИ БИЛАН ҲАМ ТАҚДИРЛАНДИ

Шу йил 3 январда Президентимизнинг Олимпия
уйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича
2018 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатларида
совринли ўринларни эгаллаган атлетларни бир
марталик пул мукофоти билан рағбатлантиришга доир
тегишли фармойиши қабул қилинган эди.

Кеча Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида
совриндор спортчилар ҳамда уларнинг мураббийларини
тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.
Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг
жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари
вакиллари қатнашди.

➡ 5

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давомий. Бошланғичи 1-бетда).

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда; № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда; № 6, 300-модда; № 9, 510-модда; № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда; № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисмидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (бундан бунён матнда Департамент деб юритилади) тuzилади. Департаментга мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатилаши бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроври ўринбосарига тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимидан озод этилган департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Департамент бошлиғининг ўринбосарлари Департамент бошлиғининг тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроври томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Департаментнинг марказий аппарати таркибий бўлимлари ва ҳудудий бошқармалари бошлиқлари Департамент бошлиғининг тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроври томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Департаменти ва унинг жойлардаги бўлимларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолияти тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Валютани тартибга солиш тўғрисида**»ги 841-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган 556-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 330-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) **12-моддасининг биринчи қисмидаги** «ҳамда терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда; № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда; № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар; № 6, 248-модда; № 9, 416, 422-моддалар; № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар; № 7, 352-модда; № 9, 485, 487, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; № 4, 128-модда; № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар; № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар; № 9, 341-модда; № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда; № 9/1, 242-модда; № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; № 5, 130-модда; № 9, 244-модда; № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; № 8, 310, 312-моддалар; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; № 9, 276-модда; № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда; № 6, 300-модда; № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда; № 4, 218, 224-моддалар; № 7, 430-модда; № 10, 679-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимча киритилсин:

1) **177-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг қонунга ҳилоф равишда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жазима ёки икки йилдан уй йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодлиқни чеклаш ёки бир йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан юз юз бараваригача миқдорда жазима ёки бир йилдан уй йилгача озодлиқни чеклаш ёки бир йилдан уй йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) тасдиқоран ёки хавфли рецедивист томонидан;

б) қўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уй юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жазима ёки уй йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уй йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ушсоған гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Таъбирларик қўриланган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан ари қилган ва уни очигина фаол ёрдам берган шахс жавобгарлиқга тортилмайди».

218-модданинг бешинчи қисми «давлат солиқ хизмати органининг қарорини» деган сўзлардан кейин «ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар; № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда; № 6, 248, 249-моддалар; № 9, 422-модда; 2012 йил, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар; № 9, 482, 484, 487-моддалар; № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; № 4, 136-модда; № 9,

335-модда; № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда; № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар; 2010 йил, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар; № 9, 252-модда; № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда; № 9/2, 244-модда; № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; № 9, 276-модда; № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда; № 6, 300-модда; № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; № 4, 218, 224-моддалар; № 7, 430, 431-моддалар; № 10, 679-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **38-модданинг 2-бандидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **39-модда:**

биринчи қисмининг 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари — бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича»;

иккинчи қисмидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **187-модданинг биринчи қисмидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **381-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда; № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 4-5, 126-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда; № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 5, 67-модда; № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 90-модда; № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда; № 9, 498-модда; № 10, 536-модда; № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар; № 9, 416, 421-моддалар; № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар; № 9, 486, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; № 9, 334, 335, 337-моддалар; № 10, 380-модда; № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар; № 6, 231-модда; № 9, 335, 339, 341-моддалар; № 10, 380-модда; № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; № 4, 104, 105-моддалар; № 9, 247, 252-моддалар; № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда; № 9/1, 242-модда; № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; № 5, 130-модда; № 9, 244-модда; № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда; № 8, 310, 312-моддалар; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда; № 4, 125-модда; № 9, 276-модда; № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда; № 6, 300-модда; № 9, 510-модда; № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-модда; № 4, 224-модда; № 7, 430, 431-моддалар; № 10, 673, 679-моддалар) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **170-модданинг санкцияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«валюта бойликларини мусодара қилиб, юз беш суткага маъмурий қамқоқ олишига ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамқоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорда жазима солишига сабаб бўлади»;

2) **179-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«179-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Ички назоратни, миқрозларни лозим даражада текшириш натижаларини ҳужжатлаштириш ва сақлашни, таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳужжатлар билан қайд этишни ташкил қилиш ва амалга оширишга доир талабларни бузиш, операцияни амалга оширишни рад этиш, худди шунингдек махсус ваколатли давлат органига шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки нотўғри ахборот тақдим этганлик, қонун ҳужжатлари талабларининг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтайтиб қўйишга ёки операцияларни тўхтайтиб туришга оид қисмини ижро этмаслик, —

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жазима солишига сабаб бўлади.

Ички назорат қондаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширишни белгиланган тартибни тегишли назорат қилувчи, лицензиялаган ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан бузиш, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ёки қонун билан қўриқланганлар бошқа сирини ташкил этишни маълумотларни гайрқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёхуд ошқор этиш, —

энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жазима солишига сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужкубузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганда кейин бир йил давомида тақдор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан элик бараваригача миқдорда жазима солишига сабаб бўлади»;

3) **264-модданинг:**

номидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи ва иккинчи қисмларидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **287-модданинг 8-бандидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **289-модданинг учинчи қисмидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **291-модда биринчи қисмининг «д» бандидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги** 154-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда; № 9, 330, 337-моддалар; № 12, 470-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; № 12, 343-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **50-модданинг биринчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **53-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги** 216-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда; № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда; № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; № 10, 670-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **14-модданинг тўққизинчи хатбосидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **38-модда:**

бешинчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишни ўрганиш учун банк ҳисобоварақари бўйича давлат пул маблағларининг ҳаракатлиши билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги зарур маълумотларни ва ахбороти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг сўровига биноан тақдим этади».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисидаги** 343-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; № 7, 431-модда; № 10, 673-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **6-модданинг учинчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модданинг ўн биринчи хатбосидаги** «ва террор

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолларининг олдини олиш ёки сонини камайтириш учун қўлланиладиган қоралар аниқланган таваккалчиликларга мувофиқ бўлиши ҳамда назорат қилишнинг кенгайтирилган ёки соддалаштирилган қораларини қўллаш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини бериши керак.

Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи барча органларга ҳамда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга етказилиши керак.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан таваккалчиликларни баҳолаш бўйича қораларни мувофиқлаштиришни махсус ваколатли давлат органи амалга оширади:

9) **8-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишлари мувофиқлаштирилади;

Махсус ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилишда ҳоли ва мустақилдир, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

10) **9-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Махсус ваколатли давлат органи:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишлари мувофиқлаштирилади;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан назорат қилинишини таъминлайди;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан ахборотни сўрайди ва берил олади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлардан келиб тушадиган шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни олади, маълумотлар базаларини шакллантиришда ва уларга ишлов беради»;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ маълумотлар ва ахборотни алмашиш ҳамда юбориш бўйича ҳамкорлик тартибини ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан биргаликда белгилайди;

Етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда ёки сўровга биноан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқдор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юбориш;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхатини терроризмга, оммавий қирғин

қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органларидан ҳамда халқаро ташкилотлардан расмий каналлар орқали олинган маълумотлар асосида шакллантиради ва юрилади;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича таваккалчиликларни баҳолашни ташкил этиш юзасидан жалб этилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қоралар қўлади;

Етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қораларни амалга ошириш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш қундан кўп бўлмаган муддатда тўхтатиб туриш ҳақида қўрсатмалар юбориш;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиш амалиётини давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинмаган ахборот асосида таҳлил қилишда ҳамда умумлаштириш, шунингдек қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тақрифларни ишлаб чиқариш ҳамда киритиш;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, чет давлатларнинг тегишли ваколатли органлари билан келишувлар тузади;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаролик принципи асосида ҳамкорлик қилади ва ахборот алмашишни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;

11) **10-модданинг матнидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **13-модда:**

Иккинчи қисми «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлардан кейин «ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан ўзгартирилсин;

Учинчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 14-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари «террорчилик фаолиятида», «террорчилик фаолиятини» деган сўзлардан кейин тегишича «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда», «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни» деган сўзлар билан ўзгартирилсин;

14) 15-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) IV бобнинг номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 18-модданинг:

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни террорчилик фаолиятида ёхуд бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёки ўшбу фаолиятда иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёхуд жисмоний шахслар ҳақида хабардор қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

17) **19-модда:**

биринчи қисмининг русча матнидаги «работники» деган сўз «сотрудники» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 20-модданинг:

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 22-модданинг:

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 23-модданинг матнидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 24-модданинг:

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, 12, 639-модда; 2009 йил, 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **84-модданинг учинчи қисмидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **96-модданинг биринчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «Қимматли қوغазлар бозори тўғрисида»ги УРҚ-163-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган УРҚ-387-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **50-моддасининг олтинчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги УРҚ-344-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 335-модда, 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда) **10-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Жуққубзарликлар профилактикаси тўғрисида»ги УРҚ-371-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **11-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошидаги** «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган УРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда) **242-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Қорruptionга қарши курашиш тўғрисида»ги УРҚ-419-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модда:**

номидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади»;

иккинчи қисмидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ўшбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ўшбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қуриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ўшбу Қонуннинг иқросини, ижроқиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушуңтирилишини таъминласин.

26-модда. Ўшбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2019 йил 15 январь

№ УРҚ—516

ИЖТИМОЙ СИНЕРГИЯ:

ЭНДИ ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ



Шу ўринда бир мулоҳаза. Чорак асрлик мафкуравий-сиёсий турғунликда яшаб ўрганиб қолган аксарият одамлар Мирзиёев ҳокимиятининг илк даврларидаги сиёсий баёнот ва чақириқларни «Ха, энди ҳокимият тўғрисида бир янгилик, яна бир ўзгариш бўларкан-да, бунинг бизга дахли йўқ», дея қабул қилишган эди. Ғўёки улар бошқа оламда яшашаётти-ю, ўзгаришлар умуман бошқа жойда рўй бераётгандек. Таассуфки, халқ бунда ҳақли эди...

Чунки юқори минбардан туриб ҳар қанча жон қойитилмасин, шакли ўзгаргани билан моҳият ўзгармасди. Мамлакат микросидаги исохлотлар вилоят ва туманлардаги ижтимоий ҳаёт турғунлигини ўзгартмасди эди.

Шу ўринда назик бир ўзига хос нукта бор. Бундай ҳолатнинг сабабларидан энг муҳими — ўтган 25 йил давомида эъди ижро ҳокимияти раҳбари бўлган **Бош вазир институтини** амалда ўз конституциявий функцияларини тўлақонли бажара олмаган. Чунки бунга йўл қўйилмаган. Ижро ҳокимияти раҳбарига ҳукуматнинг иқтисодий сиёсат юритишига бош-қош бўлишига (аслида бу унинг қонуний ҳуқуқи ва мажбурияти) рўхсат берилмаган эди.

Иқтисодий исохлотларнинг Бош вазир эмас, амалда унинг ўринбосари орқали бошқарилиши, иқтисодий сиёсатни реал ижтимоий-иқтисодий ҳолат эмас, Бош вазир ўринбосари ва унинг гуруҳи манфаатлари белгилаб бериши давлат бошқарувида мувоzanатнинг издан чиқишига сабаб бўлган эди.

Мустақилликка эришиш ва йигирма беш йил давомида уни сақлаш олиш, албатта, буюк иш. Аммо эришилган муваффақият давом эттирилмаса, вақт ўтиши билан бир жойда депсиниб туриб қолиш муваффақиятсизликка айланади.

Президент Шавкат Мирзиёев буни тегиз аниглаб етганди. Шунинг учун ҳам муаммолардан қўзғолмаслик ва ҳақиқий ҳолатни тан олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўрни йилдириш, бу йўлдан олишгани йўқ.

Сўнгги икки йил трансформацияга тайёргарлик даври бўлди

Ўтган икки йил одамлар ҳаёти ва онгидан улкан ўзгаришлар даври бўлди. Демократик номга эга, аммо авторитар қадриятларга асосланган ижтимоий ҳаёт либерализм кислородидан тўйиниб нафас ола бошлади. Табиийки, бу жараён бир маромда ва ҳеч бир муаммосиз кечмади.

Эркинликни қабул қила олмаслик, яъни эркинлик қадриятларига қўнқолмасликдан тортиб, эркинликни бошбошдоқлик деб қабул қилишгача, эскича қарашлардан воз кечиниш истамасликдан, янгича ишлаш ва яшашга қўнқолмасликкача бўлган ҳолатлар кўп учради. Бу



2019 йилги Давлат дастури: ОДАМЛАР ҲАЁТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?

ДАХЛДОРЛИК ТҮЙҒУСИ

Хозирча 253 та банддан иборат Давлат дастури лойиҳасининг ҳар бир йўналиши ҳамда бандида амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар юрtdошларимизнинг қизғин муҳокама ва мунозараларига сабаб бўлди.

Қуйида 2019.strategy.uz веб-сайти орқали билдирилган муносабат ва таклифларнинг айримлари билан танишинг:

Туялган ЭРМАТОВ:

— Парламент аъзоларининг ҳар ойнинг охирига ҳафтасида ўз сайловчилари муаммоларини жойига қийиб аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини қўриш таклифини тула қўлаб-қувватлайман.

Фақат битта жиҳатга эътибор қаратиш керак, назаримда. Яъни сайловчилар учрашув кўни ўтказилишидан 4-5 кун аввал, ҳафта бошида хабардор қилиниб, белгиланган кўнга қадар маҳалла фуқаролар йиғинига аҳоли номидан мажбурий муаммолар тўғрисида парламент аъзосига мурожаат қилувчи фуқаролар рўйхатини тузиш мажбурияти юкланиши лозим.

Шундагина учрашув халқ учун кераксиз бўлган саволларга жавоб бериш билан эмас, балки долзарб муаммоларни олиб чиқиш, ўзаро муҳокама қилиш руҳида ўтади.

Комилжон ЭРНАЗАРОВ:

— Ҳуқуқий ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Шу ўринда лойиҳадаги айрим ҳаракатлар учун нотариал тасдиқлашни шарт бўлган талабларни бекор қилиш масаласига тўхталиб ўтсам.

Фикримча, транспорт воситасидан фойдаланиш учун ишончнома расмийлаштиришни нафақат яқин қариндошлар ўртасида, балки умуман, бекор қилиш лозим. Сабаби, ҳозирги кўнда мажбурий бўлган транспорт воситасидан фойдаланиш учун ишончноманинг бекор қилиниши фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилик ва харажатлар қилишини ҳамда мазкур соҳада айрим ҳолатларда вужудга келиши мумкин бўлган коррупциянинг ҳам олдини олишга имконият яратди.

Ўлмасжон ПАЙЗИЕВ:

— Дастур лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқароларига бепул ҳуқуқий маслаҳат беришга мўлжалланган "Advice.uz" интерактив ахборот порталини ташкил этиш белгиланган. Бу жуда яхши ва самара берадиган лойиҳа, деб биланам.

Чуқри бугунги кўнда фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари етарли эмас. Унга қўшимча қилган ҳолда, ҳар бир туманда давлат томонидан бепул "Юридик клиника" ва "Ҳуқуқий маслаҳатхона"лар ташкил этиш керак.

Ботиржон ЖУРАЕВ:

— Лойиҳадан "яширин" иқтисодий саломатини иқтисодий ўсуллари ишлатган ҳолда қисқартириш масаласи ҳам ўрин олган.

Назаримда, буни мансабдор шахсларнинг даромадларини декларация қилишдан бошлаш керак. Шу пайтгача бирор вазир ёки ҳукумат аъзоларининг даромади ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларга қўшимиз тушмади.

Бундай маълумотларни ошкора матбуотда эълон қилиш ҳамда мазкур амалиётни назорат қилишни парламентга юклал лозим. Нокўнунчи мулкларга нисбатан бир марталик умумдавлат афвини эълон қилиш ёки ана шундай мулкларни аниқлашга ҳуқуқ-тартибот органларини сафарбар қилиш мақсадга мувофиқдир.

Носир АКБАРОВ:

— "Энг кам ойлик иш ҳақи" тизимидан "Энг кам соатлик иш ҳақи" тизимига босқичма-босқич ўтиш керак. Бу барча соҳа ходимларининг реал меҳнат унумдорлиги ошишига туртки беради.

Ойлик эмас, соатлик иш ҳисоб-китоби қилиш тажрибаси меҳнат қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг мақбул варианты, деб ҳисоблайман.

Жамшид ХОЛИҚОВ:

— Давлат идораси ҳодимини ёхуд хусусий идора ишчисини, бундан қатъи назар, пенсияга чикувчи фуқаролар идорама-идора ҳужжат йиғишни тўхтатиши керак. Ҳужжатларнинг ҳаммаси электрон база яратилган ҳолда, идоралараро оптималлаштириш лозим.

Қолаверса, пенсияга чиқиш билан боғлиқ барча ҳаракат давлат хизматлари марказлари томонидан мажбурийлаштирилиши энг самарали ва тўғри йўл, деб ҳисоблайман. Бунинг учун эса тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва электрон тизимга ўтиш концепциясининг амалиётда жорий этилишини таъминлаш даркор.

Давлат дастури лойиҳасининг 2019.strategy.uz веб-сайтида жамоатчилик муҳокамаси

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш	919
II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш	286
III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш	761
IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш	961
V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур уйлانган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш	243

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

2019 йил, 15 январь, соат 22:00 гача бўлган маълумот.

Жами изохлар сони **3399**
regulation.gov.uz сайти орқали келиб тушган таклифлар **404**

ҚОНУНИ ЯНГИ ТАҲРИРДА ИШЛАБ ЧИҚИШ АЙНИ МУДДАО



Хусусан, қонун лойиҳасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предметини аниқ белгилаш, бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишни

чеклаш, вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларининг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун талабларига мослиги, нормаларни амалга ошириш механизмларига эга эканлиги нуктаи-назаридан баҳолаш мажбуриятини Адлия вазирлигига юклал белгилашмоқда.

Қолаверса, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини келишиш тартибининг такомиллаштириш, тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга бўлмаган қонун лойиҳаларини

парламентга киритишни қатъий тақиқлаш ҳамда норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга оширишга қаратилган масалалар назарда тутилди.

Қонуннинг янги таҳририда қабул қилиниши қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш имконини беради.

Миржалол АЛЛАЖИЕВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.

КЎНГИЛОЧАР МАСКАНЛАР ТАРТИБГА СОЛИНСИН

Давлат дастури лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилгани айнаи муддао бўлди. Шу ўринда ундаги ресторан, кафе ва бошқа кўнгилочар объектларда ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш талабларини ўрнатган ҳолда, уларнинг тунги пайтда ишлаш тартибининг белгилаш бўйича фикр билдиришмоқчиман.

Менимча, ана шундай объектларнинг тунда ишлашига, тўғрироғи, соат 00:00 дан сўнг фаолият юритишига чек қўйиш керак. Чунки кўпинча ҳар қандай тартибсизлик, менталитетимизга зид бўлган ҳодисалар, ҳуқуқбузарликлар тунда юз беради.

Кимдир замонавийлик, яна бошқалар туризм соҳасидаги талабларни сабаб қилиб кўрсатиши ва фикримга қўшилмаслиги ҳам мумкин. Аммо ҳар бир қарорни юртимиз маф-



атидан келиб чиқиб қабул қилмас яхши бўларди.
Раҳматжон УСМОНОВ, йўл қурилиш мутахассиси.
Нукус шаҳри

ЖАМИЯТГА САВОДЛИ КАДРЛАР КЕРАК



Дастур лойиҳаси билан яқиндан танишдим. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантиришга доир қисминини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Бу ерда қўйилган вазифалар ижроси юртимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Айни дамда пенсияда бўлишимга қарамай, жамоатчилик ишларида, турли тадбир ва йиғилишларда иштирок этиб тураман. Ҳайрон қолдирадиган бир жиҳат шундаки, уларда корхона, ташкилот раҳбарлари, ижро ҳокимияти вакилларининг бир қисми ўзбек тилида ўз фикрини яхши ифода этолмайдди. Бу раҳбарларнинг етакчилик салоҳиятига пўтур етказди.

Шуларни ҳисобга олиб, лойиҳада кадрлар захирасига олинадиган ёки лавозимга тавсия этиладиган шахсларнинг давлат тилида ёза олиш ва сўзлаш қобилиятини синовдан ўтказиш тўғрисида талаб киритилиши зарур, деб ҳисоблайман. Мазкур масала қабул қилиниши кўзда тутилган "Давлат хизматлари тўғрисида"ги қонунда ҳам ўз аксини топиши керак. Шунингдек, ўзбек тилидан ташқари, бошқа тилларни ҳам биладиган кадрларнинг иш ҳақига устима белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Натихада ҳаммада тил билиш даражасини оширишга рағбат пайдо бўлади.

Ойбек ОРТИКОВ, меҳнат фахрийси.
Номангон шаҳри

БИЗГА НОВАТОРЛИК ЕЧИМЛАРИ ЗАРУР

Давлат дастури лойиҳасида белгилаб берилган янги вазифалар мутлақо янги ҳафтада янги новаторлик ечимларини қўллашни тақозо этади. Шу ўринда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мамлакатимиз ва чет элдаги хорижий ваколатларнинг фаолиятини қайта қўриб чиқиш зарурлиги ҳақидаги таклифга эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатимиз элчилари хорижий профессионал инвестиция ҳамжамияти билан бево-сита алоқада бўлган ҳолда, ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш талаб этиляпти. Эски ёндашувларга асосланган ҳолда бу вазифани амалга ошириб бўлмаслиги ҳақида маълум. Эндilikда иқтисодий дипломатия ривожлантирилади.

Ҳужжат лойиҳасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш мамлакатимиз парламентарийсидан бор куч ва имкониятларини сафарбар қилган ҳолда иш-лашни талаб этади. Зеро, янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқмасдан туриб, очик иқтисодий, соғлом рақобат учун зарур шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий дои-рани тубдан яхшилашнинг имкони йўқ. Бу эса мазкур жараёнда иштирокчилардан юқори малака, муҳокама эти-лаётган предметни чуқур ту-шуниш ва халқаро тажриба-дан хабардор бўлишни талаб



этади. Биз демократлашти-риш йўлида фақат танқид билан чегараланиб қолмас-дан, жараёни юзаси эмас, пухта ўрганиб, ундан кейин-гина таклиф ва муносабати-мизни баён этишга ўргани-шимиз керак.

Алишер КУРМАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари бўйича қўмитаси раиси.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир қатор чора-тадбирлар ҳам муҳокамадаги лойиҳада белгиланган. Жумладан, унда Давлат хизматлари марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизматлар сонини кўпайтириш ва электрон хизмат тизимини жорий этиш назарда тутилган.

Илгари биргина туман дав-лат хизматлари марказларига хизматдан фойдаланиш учун бир кўнда ўртача 20 — 30 на-фар фуқаро мурожаат қилган бўлса, ҳозирги кўнда уларнинг ўртача сони 600 — 800 нафар-ни ташкил этмоқда. Шунга кўра, 2019 йилда 120 та Давлат хизматлари марказла-рининг замонавий ва инноваци-он жиҳозланган биноларини қўриб битказиш ҳамда фойдаланишга топширишни назарда ту-тувчи норматив-ҳуқуқий ҳуж-жат лойиҳаси ишлаб чиқиладди. Бу фуқароларга бир вақтда тез-кор ва қулай хизмат кўрсатиш имконини яратди.

Бундан ташқари, лойиҳада 2019-2020 ўқув йили қабул-дан бошлаб босқичма-босқич Давлат хизматлари марказла-ри орқали олий таълим муас-сасаларига ҳужжат қабул қилиш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилган. 2018 йили Давлат хизматлари агентлиги томонидан ўшуб хизмат тури таърифа тарикасида Тошкент давлат юридик университети мисолида амалиётга таъбиқ



этилди. Бу билан оворагарчи-ликлар ва узундан-узқ навбат қуттишларга чек қўйилди, вақт ҳам, маблаг ҳам тежаланишга олиб келди.

Эндilikда 2019/2020 йил-ги ўқув йили учун республи-канинг барча олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилишнинг Давлат хизматла-ри марказлари орқали кўр-сатилишини таъминлаш усти-да иш олиб бораётиз.

Алҳам БАРАТОВ, Давлат хизматлари агентлиги бошқарма бошлиғи.

Таклифларнинг қанчаси дастуриламал ҳужжатда ўз аксини топади?

ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат дастури лойиҳасига

85 та таклиф беришди. Улар муҳим ҳужжат лойиҳасининг барча йўналишини қамраб олган.

Чунончи, республикада халқро миқёсда тан олинган танкид арбитраж ташкилотларининг филиалларини ташкил қилиш орқали уларнинг тажрибаларини мамлакатимизда кенг қўллаш таклиф этиляпти. Шунингдек, лойиҳада суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда узоқ муддат давомида (3 йил ва ундан ортиқ) беконус фаолият кўрсатаётган ўрта ва ўрта махсус маълумотли ёки бошқа мутахассислик бўйича олий маълумотга эга ходимларни кейинчалик мазкур орگانда қамда 5 йил ишлаб бериш шарти билан имтиёзли равишда шартнома асосида сиртки бўлимларда олий юридик таълим муассасаларига қабул қилиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Энергетика соҳасида давлат иштирокини камайтириб, босқичма-босқич хусусий секторга бериш тизимини жорий этиш таклиф қилиняпти. Бу орқали аҳоли талаби ва эҳтиёжига қараб энергия сифатини ошириб бериш имконияти кенгайди.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг экспорт учун мўлжалланган товарларни етказиб бериш бўйича тўлов тарифларини камайтириш ва мазкур жараёнини соддалаштириш, шунингдек, темир йўллариининг Европа Иттифқи давлатларига кириш ва махсуслотлар етказиб бериш имкониятини ошириш орқали логистика тизимини яхшилаш ҳам таклифлар сирасига киради.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҲУЗУРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАШАББУСИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан Давлат дастурининг дастлабки лойиҳаси учун

45 та таклиф беришди.

Мисол учун, "Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш шу йилнинг 30 июнь кўнига қадар белгиланяпти. Мазкур қонун лойиҳасида давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, давлат органлари фаолиятининг янада очик ва демократик бўлишини таъминлаш, давлат органларига фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган лойиҳаларни қўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш, жисмоний ва юридик шахслар — мурожаат этувчиларнинг эшитишда иштирок этишини кафолатлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби масалаларнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаш каби ишлар назарда тутилган.



ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИ ДЕЯРЛИ МУСТАҲКАМЛАНМАГАН

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан фарқи ўлароқ, халқ депутатлари Кенгашидаги партия гурӯҳларининг қонуний ҳуқуқ ва ваколатлари тааллуқли процессуал механизмлар билан амалда мустаҳкамланмаган.

Амалдаги қонунчиликда партиявий гурӯҳларни маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини қўриб чиқиш, муҳокама қилиш, ҳокимлар ва бошқа маҳаллий давлат органларининг мансабдор шахслари ҳисоботини тинглашда иштирок этиш тартиби ва шаклини тартибга солиувчи нормалар мажбурий эмас.

Қонунчиликда, шунингдек, партия гурӯҳлари томонидан ўз ваколатлари доирасидаги масалалар юзасидан киритилган таклифларни доимий комиссия мажлисларида ва сессияларида қўриб чиқиш шартлигини белгилувчи нормалар ҳам киритилмаган.

Давлат бюджетни ва давлатнинг мақсадли фондлар бўйича бюджетлари лойиҳаларини тузишда партияларнинг фикрини инобатга олиш механизмлари ҳаракатдаги қонунчиликда инобатга олинмаган.

Қонунчиликда партия гурӯҳлари томонидан депутатлик назоратини олиб бориш бўйича ҳуқуқ ва ваколатлари ҳам тўлиқ белгиланб берилмаган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг Давлат дастури лойиҳаси бўйича билдирган **30** дан ортиқ таклифлар орасида — халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гурӯҳлари фаолиятини янада такомиллаштиришга онд ана шундай долзарб масала ҳам бор.



БОЛАЛАР СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан Давлат дастури лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан **50** дан ортиқ таклифлар тайёрланган.

Бугунги кўнда жиддий масала сифатида тус олаётган бо-лалар стоматологик касалликларни профилактикасини йўлга қўйиш таклифи ҳам ўшуб фракция аъзолари томонидан бил-дирилди. Бу орқали "Республикада болалар стоматологик касалликларининг профилактикасини ташкил этиш тўғриси-да"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумат қаро-ри лойиҳаси ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Унда болалар стоматологик касалликларининг профилактикаси тизимини яратиш, бунинг учун ажратилаётган маблаг миқдорини оши-риш, соҳани янада ривожлантириш, тиббиёт муассасалари-да стоматологларнинг болаларга кўрсатадиган ёрдами да-ражасини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш ақс этган.

Ўзбекистон Республикасининг "Сугурта фаолияти тўғри-сида"ги Қонунини янги таҳрирда ишлаб чиқиш таклифи ҳам берилган.

Қонун лойиҳаси билан барча мажбурий сугурта турла-рини ягона ҳужжатга муҳасамаллаштириш ва мажбурий су-гурталанадиган фаолият турларини кенгайтириш, банкларга сугурта агенти мақоми бериш, интерактив, шу жумла-дан, онлайн сугурта хизматларини кенгайтириш, тиббиёт сугуртаси фаолиятини тартибга солиш ва бошқа масала-лар кўзда тутилди.



ГЕРМАНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИДАН БАХРАМАНД БЎЛМОҚДА



Масалан, Германиянинг энг кўп таъриф буриладиган Перам музейида Буюк Ипак йўли марказида жойлашган қадимги шаҳар — Афросиёнинг бутун дунёга машҳур сопол буюмлари каби бебаҳо дурдоналар мавжуд. Германия миллий кутубхонасида жохон цивилизациясига улкан хисса қўшган буюк аждодларимиз қаламига мансуб ноёб кўлемда китоблар сақланмоқда. Шу сабабли немис ҳамкасбларимиз билан иккуниятларни бirlаштириб, маданий меросимизнинг ҳам Ўзбекистонда, ҳам Европада ўрганилишига янги суръат бағишладиган ўшбу китобни яратдик, — деди "Ўзбекистон маданий мероси жохон тўпламларида" лойиҳаси муаллифи ва раҳбари Фирдавс Абдухаликов.

Германия музейларидаги халқимиз маданий тўпламлари ҳақида сўз юритганда Шарк Уйғонш даврида яратилган кўлемлар жуда қимматли эканини қайд этиш жоиз. Берлин давлат кутубхонаси-

нинг Шарк бўлими раҳбари, доктор Кристофер Раух ўшбу кутубхонада сақланаётган китобат санъати дурдоналари ҳақида сўзлаб берди.

— Бу ерда намойиш этилаётган кўлемларнинг айримлари ўзбек мумитоз ёзувчилари яшаган ва иқдор қилган ҳудудлардан бўлса, айримлари бево-сита Ўзбекистондан келтирилган. Масалан, кутубхонамизда XIX асрдан буюн сақланиб келинаётган Мирзо Улуғбекнинг астрономик жадваллари. Уларда 38 туркумга кирувчи 1018 юлдуз тўғрисида маълумотлар, шунингдек, юлдуз йили узунлиги келтирилган, — деди у.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон маданий мероси ранг-баранг, турфа, битмас-туганмас бойлиқдир. — Биз ўзбек санъатига оид тўпламимиз билан фахрланамиз, дейди Пергам музей таркибига кирувчи И.И.С. Санъати маркази директорининг ўринбосари доктор Уте Франке. Тўплам у қадар катта бўлмаса ҳам, тарихий ва бадиий жиҳатдан биз учун гоят қадриlidir.

Парламент ҳаёти

ОЛИЙ МАЖЛИСДА БЮДЖЕТ БОШҚАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

2018 йилда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси қандай йирик лойиҳаларни амалга оширди? 2019 йилда қўмитанинг олдида турган вазифалар нималардан иборат?

Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуман ҳудди шу масалаларга бағишланди.

2018 йилда қўмитанинг назорат-таҳлил йўналишидаги ишлари янада фаоллашди. Иқтисодиёт вазирлигига Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси лойиҳаси юзасидан 23 банддан иборат тақлиф берилган эди. Қўшимча қиймат солиғини табақалаштириш, мол-мулк солиғи объекти сифатида фақат бино, иморат ва кўчмас иншоотлар-

ни қолдирган ҳолда уни ер солиғи билан бирлаштириб, босқичма-босқич кўчмас мулк солиғини жорий қилиш каби амалий тақлифлар янги солиқ концепциясидан ўрин олди.

Давлат бюджетни параметрларини тайёрлаш, қабул қилиш, бюджет ижроси устида назорат ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Шу муносабат билан уни соддалаштириш, ўрта муддатга мўлжалланган муқаммал бюджетни қабул қилишни

таъминлаш мақсадида Олий Мажлисда алоҳида бюджет бошқармасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш ишлари қўмитанинг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада 2019 йилда ишчил тadbirlar йўлга қўйилгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, солиқ концепцияси қабул қилинган муносабат билан янги таҳрирда Солиқ кодексини ишлаб чиқиш, банк активларида давлат улушини босқичма-босқич камайитириб бориш, валютани янада эркинлаштириш юзасидан қонунлар қабул қилиш каби тadbirlar қўмитанинг 2019 йилдаги фаолиятида муҳим ўрин тутди.

«МУРУВВАТ» ВА «САХОВАТ» ИНТЕРНАТ УЙЛАРИДАГИ АҲВОЛ ҚЎМИТА НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан 2018 йил фаолияти якунлари ва жорий йилдаги устувор йўналишларга бағишланган анжуман ўтказилди.

Қўмита фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган дастурлар ижро этилишининг назоратидир. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда иқтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Дастур назоратга олинди. Унинг жойлардаги ижроси юзасидан Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлисида Бош вазир ўринбосарининг ахбороти эшитилди.

Натижаларга кўра, 2017-2018 йилларда Республика иқтисослаштирилган урология, кардиология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия ҳамда кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказларига тегишли бўлган 5 та объектнинг қурилиш ишлари ке-

чиктирилаётгани аниқланди. Республика иқтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази поликлиникасининг янги биносини қуриш эса ҳали умуман бошланмаган. Аниқланган барча камчиликлар юзасидан доимий назорат йўлга қўйилди.

Қўмита 2019 йилдаги фаолияти устувор йўналишларини белгилаб олди. Шунингдек, аҳоли муружаатларидан келиб чиқиб, "Мурувват" ва "Саховат" интернат уйларида яшайдиган ногиронлиги бўлган шахслар ва кексаларга кўрсатилаётган тиббий-иқтимоий хизматлар ҳолати назоратга олинади. Мазкур масала юзасидан соғлиқни сақлаш вазирининг ахборотини эшитиш ҳам режалаштирилган.

Муносиб КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Депутат фикри

Президентимиз Олий Мажлисга Муружаатномасида мамлакатни тараққий эттиришда иқтисодиёт тармоқларига киритиладиган инвестициялар муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб, бу борада асосий стратегик вазифаларни белгилаб берган эди.

Қисқа вақт ичида уларнинг ижроси бўйича дастлабки қадам ташланди. Иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг роли ҳамда иштирокини камайитиришнинг ҳуқуқий механизмларини ҳал қилиб бериш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан "Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон имзоланди.

ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Ўшбу ҳужжат билан Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги этиб қайта ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланди.

Иқтисодиётни бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш, бунда глобал, минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари, хусусий тadbirlar ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, "хуфийна" иқтисодиёт улушини қисқартириш, юқори қўшилган қийматли тайёр рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини орттириш, урбанизация, инвестиция ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни таъминлаш каби масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Мамлакатни иқтисодий ва индустриал ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини, шунингдек, инвестиция сиёсатининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вазирлик махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди. Шунингдек, вазирлик томонидан ўзига тегишли вазифалар доирасида қабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий ҳаракатга эга қарорлари ижроси давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шакли ҳамда идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурийлиги белгиланди.

Ўз навбатида, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шу жумладан, ривожланиш ва инвестиция дастурларини якуний босқичда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага киритишдан олдин Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишиш, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси, кичик саноат зоналари дирекцияларининг ҳар чоракда вазирликда амалга оширган ишлари бўйича маълумотлар бериб бориши тартиби йўлга қўйилди.

Вазирликка ўз ваколати доирасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-

ни бекор қилиш ёки қайта қўриб чиқиш бўйича тақдимномалар киритиш ҳуқуқи ҳам берилди. Қиймати 7 миллион АҚШ доллари эквивалент бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар қарорларини вазирлик билан келишиш тартиби жорий этилди.

Вазирлик фаолиятини ташкил этишда халқаро тажрибадан фойдаланиш амалиётини кенгайтириш мақсадида шартнома асосида хорижий консўлтатлар ва экспертларни ишга жалб этиш билан бир вақтда техник кўмак ҳамда грант маблағларидан фойдаланишга рухсат берилди. Ўз навбатида, вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тегишли тadbirlar ўтказиш ҳамда инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш имконияти ҳам кенгайтирилди.

Фармонга мувофиқ, вазирликка берилган ваколат ва вазифалар билан бирга белгиланган топшириқларни амалга ошириш юзасидан шакллантирилган ҳуқуқий механизмлар мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса амалдаги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳам тақозо этади. Ўшбу жараёнда депутатлар олдида ҳам янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси турибди.

Мисол учун, ишлаб чиқариш тармоқларини индустриализация қилиш бўйича ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда халқаро бозорда уларнинг савдосини ташкил этишга оид бир қатор янги қонунлар яратиш зарурати юзга келмоқда.

Парламент қўйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш мақсадида яратилажак мазкур қонунлар лойиҳаларини пишиқ-пuxта тайёрлаш, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этиб, сўнг қабул қилишда фаоллик кўрсатади.

Ўрнатма ХОЛИЯРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

СОВРИНДОРЛАР ПУЛ МУКОФОТИ БИЛАН ҲАМ ТАҚДИРЛАНДИ



Дастлаб Президентнинг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Абдувахитов давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатни ўқиб эшиттирди. Спортчи ва мураббийларни ўтган йилдаги галабалари билан табриклаб, олдинда катта марралар турганини, уларни эгаллаш учун бутун куч ва имкониятни ишга солиш лозимлигини таъкидлади.

Фармойишга кўра, жохон чемпионатида олтин медални кўлга киритган спортчимиз А. Жўраева 12 минг АҚШ

доллари миқдоридан пул мукофоти топширилди. Жохон чемпионатларининг кўмуш медалига сазовор бўлган Д. Ёқубов ҳамда Э. Тасмуратов 6 мингдан, бронза медал эгалари Б. Абдурахмонов, Р. Нурудинов ва Р. Жангабоев эса 3 минг АҚШ долларидан пул мукофотига эга бўлди.

Ўз навбатида, совриндор спортчиларимизнинг мураббийларига ҳам Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишга асосан 6000, 3000 ва 1500 АҚШ доллар миқдоридан пул мукофоти пули топширилди.

Маълумки, 2018 йил якунида оғир атлетикачимиз Акбар Жўраев юрти-

мизнинг "Энг яхши спортчиси" дея эътироф этилган эди. Тадбирда унга Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан белгиланган намунадаги гувоҳнома ҳамда 10 минг АҚШ доллари миқдоридан пул маблағи тақдим этилди.

Тантанали тadbirlar Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — оғир атлетикачи Акбар Жўраев, юнон-рум курашчиси Элмурат Тасмуратов, оғир атлетика бўйича мураббий Фарход Мирзажанов сўзга чиқиб, кўрсатилаётган юксак эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат ХўЖАҚУЛОВ.

ЭЪЛОН

2019-yil 14-yanvar kuni

Fitch Ratings
xalqaro reyting agentligi



«Mikrokreditbank» ATB

kredit reytingini
«B+» darajasidan «BB-» darajasiga
ko'tardi.

Bankning istiqboldagi faoliyati

«BARQAROR»
deb baholandi.

Xizmatlar litsenziyalangan.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Отабек Муродов 15 январь кунини Корей Республикаси Адлия вазирлиги Пак Сан бошличилидаги делегация билан учрашди.

Бош прокурор мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ суд-ҳўқуқ тизимини ислох қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Мўҳимларга қўйиш билан тизимдаги янгиликлар, хусусан, бу жараёнда прокуратура органларининг иштироки ҳақида маълумот берилди.

Учрашувда мамлакатимизда соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш жараёнига корейлик мутахассисларни жалб қилиш, прокуратура тизимига дастурий таъминот ва замонавий ахборот-коммуникацияларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Жиноятчиликка қарши курашишда инсон ҳўқуқларини ҳар томонлама ҳўма қилишга қаратилган ҳўқуқий базани такомиллаштириш бўйича конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди. Иқтисодий жиноятларни тергов қилиш, ҳамкорликда коррупция ҳолатларини аниқлаш ва унга қарши курашиш мавзусида ўқув-тренинглар ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Корей Республикаси Адлия вазирлиги мамлакатларимиз Адлия ва ҳўқуқ-тартибот органлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда мунтазам масла-

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати билан
ҳамкорликда тайёрланди.
Ў.А.

Ўлутбек ШОНАЗАРОВ,
Ў.А. мухбири.

ДУНЁ ХАРИТАСИДА ПАЙДО БЎЛГАН ЯНА БИР НУФУЗЛИ ИЛМИЙ МАРКАЗ

1➔

Президентимиз ташаббуси билан Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуида халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятининг ташкил этилиши ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг узвий қисмидир. Ушбу муассасага Ўзбекистоннинг ислом маданиятида тутган ўрнини, буюк алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш, бугунги глобаллашув ва технократик замонда юртимизда ислом динининг ҳақиқий макomini жамоатчиликка тушунтириш, тарғиб қилиш вазифалари юклатилган.

Муҳташам илм кошонаси

Имом Бухорий ислом дини ва маданиятини раънақ топтиришга беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирдир. Бу мўтабар зот меросининг гултожи бўлиши "Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ" китоби энг ишончли ҳадислар тўплами бўлиб, ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас мабна ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, мазкур китоб миллионлаб инсонлар қалбини имон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига қорлаб келмоқда. Аллома асарларида илоҳиёт, диний масалалар билан бирга, ўз даврининг ахлоқий ва сиёсий анъаналари, умуминсонийлик, миллатпарварлик,

Ватанни севиш, инсонларни аҳилликка қорлаш, улар ўртасида зиддият, низоларнинг олдини олиш, адолат ўрнатишга қаратилган сермазмун ғоялар ўрин олган.

Имом Бухорийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганган дунё олимлари у зотнинг ўз давридан анча илгариллаб кетиб, халқларни маънан бирлаштира олгани, турли миллатларни ислом фалсафаси ва динининг мангу инсоний идеаллари атрофида жипслаштирганини қайд этади.

Шу боис ушбу табаррук зотнинг руҳи мангу қўним топган ҳудудда ҳаммиса ажиб бир сокинлик, улугворлик ҳукмрон. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир инсон — хоҳ у илм истаб, хоҳ зиёрат қилишга келган бўлсин покиза маънавий-руҳий муҳитни ҳис этади, қалби қандайдир қувватга тўлади. Ҳаётнинг чинакам

мазмун-моҳияти, инсон зиммасига юклатилган илоҳий ва азалий вазифани англагандек бўлади.

Ушбу масканда халқаро илмий-тадқиқот марказининг барпо этилишида ҳам теран маъно бор. Имом Бухорий руҳи кезган маънони зиёрат қилишни дилига туккан инсон борки, унинг маърифатидан, маънавий меросидан баҳраманд бўлишга интилиши табиий.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва бевосита кўрсатмалари асосида қад ростлаган марказ биноси ҳудудга узукка кўз қўйгандек ярашган. Қурилиш безак беришда мрамор, гранит, оникс каби қimmatбахо тошлардан кенг фойдаланилган ушбу иншоот чин маънодаги қошонадир.

Аллома ҳақида замондошлари фикрлари

"Бутун Хуросондан
Муҳаммад ибн Исмоил
Бухорий каби олим
чиққан эмас".

Имом Аҳмад ибн Ханбал
Марвазий,
Имом Бухорийнинг
устози.

"Муҳаммад ибн Исмоил
Бухорийга маълум
бўлмаган ҳадис,
албатта, ишончли эмас".

Амр ибн Фаллос,
Имом Бухорийнинг
шогирди.



Ҳасан ПАЙДОНОВ олган суратлар.

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ «АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ» АСАРИДАН

"Қимгаки Аллоҳ таоло яхшиликни раво кўрса, уни дин илмидан баҳраманд қилади, илмга нил олмоқ йўли билан эришилади".

"Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар! Хушхабар айтинглар, қизиктиринглар, нафратлантириб қўйманглар".

"Қимки нил олган бўлса, пайғамбаримиздан тўлиқ мерос олибди".

"Қимки нил истаб қадам қўйса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилади".

"Уялган ва мутаккаббир киши нил ололмайди".

"Уамолар нил ўргатишга, нил тарқатишга киришинлар, билмаганларга ўргатсинлар, зеро, нил сир тутилмас экан, ҳалокатга учрамайди".

Аллома ҳаётининг кўзгуси

Марказда замонавий музей ўрин олган бўлиб, бу ерда "Саҳиҳ ал-Бухорий" китобининг қадимий кўлэма нусхаси ва буюк муҳаддиснинг айна пайтда дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган нобб асарлари нусхалари сақланмоқда.

Музей шинамлиги ва кўрамлиги билан муҳташам саройни ёдга солади. Унинг деворлари Имом

Бухорийнинг илм излаб дунё кезиши, борган юртлари акс этган сафар харитаси, турли илмий мажлислардаги иштироки туширилган суратлар билан безатилган.

— Суратлар марказида ўнлаб муҳаддис олимлар қаршида ёш Бухорийнинг имтиҳон топираётгани тасвирининг жой олишида

ҳам чуқур маъно бор, — дейди Ўзбекистон санъат арбоби, экспозициялар муаллифи Алишер Алиқулов. — Чунки ҳозиргача етиб келган тарихий ривоятга кўра, ушбу мунозарада ёш олим ўз билан ва салоҳиятини кўпчилик олдида исботлаган, турли йўللари билан чалғитишларига қарамай, ҳар бир ҳадиснинг санади, ровий-

си қимлар эканини аниқ айтиб бера олган. Шу орқали муҳаддис олимлар орасида юксак обрў-эътибор қозонган.

Музейда мавжуд бешта экранда Имом Бухорийга оид видеолар ҳалар намойиш этиб турилади.

Бу каби илм-маърифат масканлари фаолиятининг йўлга қўйилиши Ватанимизда маънавий-маъри-

фий соҳада эришилаётган ютуқларимиз ифодасидир. Шу билан бирга, буюк аллома-мутафаккирлари жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган Ўзбекистондек муқаддас заминдан келажакда, албатта, бухорийлар, шошийлар, самарқандийлар, термизийлар етишиб чиқишига умид ва ишонччи мустаҳкамлайди.

Хайрли ташаббус қалбларга ғурур бахш этди

Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори:



— Зиё масканимизда буюк муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий, улў фақиҳлар Бурҳониддин Марғиноний, Абулхайр Самарқандий, калом илмининг буюк мутафаккирлари Абу Мансур Мотуридий, Абул Муин Насафий каби аждодлар бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва илмининг шу соҳалари бўйича мукаммал билимга эга бўлган етук мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш учун барча шароит яратилган.

Марказда Мовароуннаҳр ҳадис мактаби тарихи ва тадрижий ривожланиши бўйича бир нафар илмий ҳодим докторлик ишини ҳимояга олиб чиқди ва беш нафар илмий ҳодим мовароуннаҳрлик аллома ва муҳаддислар илмий меросини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бормоқда.


Давлатимиз раҳбари 11 январь куни марказга ташрифи чо-

Шукрулло УМАРОВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот директорининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринбосари:




Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг нашрлар бўлими бошлиғи:

— Имом Бухорий меросини ўрганиш илмий ҳодимларимизнинг асосий мақсадидир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, "Имом Бухорий мажмуаси" китоб-альбоми, "Адаб ал-Муфрад" асари таржима, "Имом Бухорий таърифи", "Алоуддин Усмоний Самарқандий ҳаёти ва илмий мероси",



— Муассасамизда халқаро ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган вақт давомида дунёнинг 14 та етакчи ислом тадқиқот маркази, университетлар билан меморандумлар имзоладилар. Буюк Британия, Франция, Германия, АКШ, Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Малайзия, Покистон, Хиндистондаги илмий марказлар билан алоқалар

ўрнатилди. Малайзиянинг Ислам илмлари университети, Ислам цивилизацияси институти, Исламни англаш институти билан буюк алломаларимиз илмий меросини ўрганиш йўналишида келишувларга эришилди. Саудия Арабистонининг Подшоҳ Абдулғанини университети, Суннат ва наъбий меросини ўрганиш маркази билан ҳужда сақланаётган нодир кўлэма-нарсаларнинг нусхаларини олиш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда.



Турли илмий конференциялар, семинарлар ташкил этиш юзасидан ҳам кўплаб Европа ва Шарқ мамлакатлари етакчи ислом тадқиқот марказлари, университетлари билан алоқалар йўлга қўйилган. Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Кембриж университети, "Ал-Фурқон" фонди, Британия музейи, Франциянинг Араб дунёси институти, Франция миллий кутубхонаси ва бошқа илм-фан масканлари билан ушбу йўналишларда ҳамкорлик олиб боришмоқда.

Олимлари, тарихчиларнинг қизиқиши кўн сайин ортиб бормоқда. Хусусан, қисқа вақт ичида марказга бў борада юзга яқин мурожаатлар келиб тушди. Улар орасида Аймаклар Қариев (Қирғизистон), Аҳмад Халид (Ироқ), Муҳаммад Сайид (Малайзия), Омар Массод (Иордания) каби ўз маърифати билан аҳли илм ва жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган олимлар ҳам бор. Бу зиё масканининг нуфузи ортиб, ўз ўрнига эга бўлиб бораётганидан далолат беради.

қандаги илмий даргоҳда тадқиқотлар қилишга катта қизиқиш билдирмоқда. Қуръони каримдан кейинги энг ишончли китоб саналган "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" тўплами муаллифи Имом Бухорий меросини ўрганиш ҳар биримиз учун зарур ва айна пайтда фахр-ифтихордир. Шу билан бирга, зиё масканларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши Миср ва Ўзбекистон алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим саналади.

Убайдулла УВАТОВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори:



— Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига туташ ҳудудда Ҳадис илми мактабининг бўлиб қолган хос раъзий маънога эга. Чунки аллома умрининг асосий қисmini ишончли ҳадислар тўплаш, ўрганиш, уларни халқга етказиш билан ўтказган.

Ушбу олий таълим даргоҳи буюк аждодларимиз асос солган ҳадис мактабини фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш, улар қолдирган бой илмий меросни тадқиқ қилиш, халқимиз, кенг жамоатчиликка ушбу мероснинг бой маънавий-маърифий асосларини етказишда муҳим аҳамият касб этади. Мактабда Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг асл моҳияти ўргатилиб, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш кўнимасига эга мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, ҳадислардаги эъзулғайба бошловчи умуминсоний ғояларни халқимизга, айниқса, ёш авлодга етказиш ҳам мактабининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Ҳадис илми мактабида ўқиш муддати беш йил бўлиб, қундузги таълим шаклида олиб борилади. 2018/2019 ўқув йили учун қабул квотаси 10 та ўрин этиб белгиланган ва унга араб тилини пухта ўқитиш, ҳадисларни ёд олишга салоҳияти бўлган ўрта махсус диний таълим муассасаларининг биттुरुвчилари саралал олинди.

Президентимизнинг мамлакатимизда илм-фан, маданият, зиёрат туризмни ривожлантиришга қаратилган эзгу ташаббуслари ҳар биримизнинг қалбимизга ғурур, руҳинизга сурур бахш этади.

"Халқ сўзи" муҳбири
Дилшод КАРИМОВ тайёрлади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 61 229 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоши қилинган нархда.

Газетани халқнинг маълумотларини қилиб олиш учун Ой-қонини телефонингиз орқали сизлар қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳриратга келган кўлэма-нарсалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терияди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақлланади.

Газетанинг полиграфия жиддатли сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Ташкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Ашурова,
Набатчи — Ш. Гаффаров,
Муассасхона — Ш. Машраббеов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5